

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУСТАФОЕВА ДУРДОНА АСИЛОВНА

**ИХТИСОСЛИК ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**
(ихтисослик фани ўқитувчиларининг малака ошириш курслари мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Мустафоева Дурдона Асиловна

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини
ривожлантириш (*ихтисослик фани ўқитувчилари малака ошириш
курслари мисолида*)..... 3

Мустафоева Дурдона Асиловна

Развитие профессиональных компетенций преподавателей
специальных дисциплин (*на примере курсов повышения
квалификации преподавателей специальных дисциплин*)..... 23

Mustafoeva Durdona Asilovna

Development of professional competencies of teachers of special
disciplines (*on the example of continuing education courses for teachers of
special disciplines*)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУСТАФОЕВА ДУРДОНА АСИЛОВНА

**ИХТИСОСЛИК ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**
(ихтисослик фани ўқитувчиларининг малака ошириш курслари мисолида)

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped740 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муслимов Нарзулла Алихонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Алимов Нормурод Носирович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Ped/P.48.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил "18" 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-92-17; e-mail: moqt@markaz.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871)246-92-17; факс: (99871)246-90-37).

Диссертация автореферати 2020 йил "3" 01 куни тарқатилди
(2020 йил "___" _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).



Ш.Э.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган “Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)” ҳамда “Европа олий таълим макони” (EHEA) концепциялари мазмунида “кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш” белгилаб берилган. Бунда педагог кадрларнинг ижодий салоҳияти, касбий компетентлиги ва ижодий креативлигини ривожлантириш, малака оширишнинг инновацион шакллари орқали ўқитишнинг интегратив-дифференциал методикаларини яратиш ва касбий компетентликни баҳолаш мазмунини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда таълимнинг инновацион ривожланишнинг глобал вазифаларидан бири педагог кадрларда касбий компетентликни шакллантиришдир. ЮНЕСКО¹ катталар таълимини XXI асрда “эшикларни очувчи калит” деб эътироф этди. Халқаро педагогик тажрибаларга кўра катталар таълимини амалга оширишда инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, андрогогик таълим тамойиларини илмий асослаб бериш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, малака ошириш тизими мазмунига мос дидактик имкониятларини кенгайтириш ҳамда такомиллаштирилган ўқитиш методикаларини жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари билан интеграциялашувини таъминлаш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, раҳбар ва педагог кадрларнинг илмий педагогик салоҳиятидан келиб чиқиб уларнинг касбий эҳтиёжларини қаноатлантириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг тайёргарлиги сифатига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштириш”² вазифалари белгиланган. Бунда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришда касбий билимлар, кўникма ва малакаларини мунтазам равишда янгилаб бориш, педагогик механизмларини ҳамда касбий таълим сифатини ошириш

¹. Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. - Гамбург. - 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.

². Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 797-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019й., 09/19/797/3793-сон.

борасидаги изланишлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги³, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴ Фармонлари, 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 797-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, касбий компетентликни ривожлантириш методологияси, педагогик-психологик жиҳатлари, педагог кадрларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар республикамиз олимларидан: Х.Ф.Рашидов, Ш.Э.Қурбонов, Н.А.Муслимов, Б.С.Нуридинов, Н.Азизходжаева, У.Бегимқулов, Р.Джўраев, Ф.Закирова, Д.Сайфуров, А.Мусурманова, Н.Муслимов, Қ.Олимов, М.Уразова, З.К.Исмаилова, Ш.Шарипов, С.Ашурова, Г.Елдашева, М.Мирсолиева ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳамда илмий изланишларида учратиш мумкин.

Касбий компетентликни ривожлантириш методологияси, педагогик-психологик жиҳатлари, тамойиллари ва технологиялари ва ёндашувнинг шахс фаолияти ва касбий камолотидаги ўрни, шунингдек, касбий ўзини ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари МДХ мамлакатлари олимларидан: Т.Базаров⁵, А.Деркач⁶, И.Зимняя⁷, Э.Зеер⁸, Н.Кузьмина⁹,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766)-70-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 38.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <http://uz24.uz>

⁵ Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е. Управление персоналом. – М.: ЮНИТИ, 2002. 430 с.

⁶ Деркач. А., Зазыкин.В. Акмеология. - СПб.: Питер, 2003. - 256 с.

Е.Кудрявцева¹⁰, А.Маркова¹¹, В.Сластенин, Г.Калкова, Н.Ильина, Г.Жиркова, Е.Ежак ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида кўрилган ҳамда таълим муҳитига таъсири бўйича салмоқли изланишлар олиб борган.

Ҳорижлик олимлардан R.Boyatzis, D.Bartram¹², A.Maslow, J.Rawen¹³, W.Hutmacher¹⁴ лар томонидан таълимга замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги структураси, малака ошириш жараёнига компетентли ёндашувлар масалалари атрофлича ўрганилган.

Педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, ихтисослик фан ўқитувчисининг касбий компетентлиги тузилмасини ишлаб чиқиш, таълим соҳаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослик фан ўқитувчиларининг педагогик-психологик, ташкилий-коммуникатив, эмоционал-иродавий фаолиятларини ривожлантириш масалалари махсус тадқиқ этилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ХТ-0-67904-рақамли «Педагог кадрлар малакасини ошириш механизмининг узлуксиз ошириш механизмининг такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланмани тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш» (2017-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари ва инновацион-фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асосларининг амалдаги ҳолатини ва замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш, шунингдек педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш ҳамда асослаш;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели ва унинг компонентлари мазмунини такомиллаштириш;

⁷ Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования//Эксперимент и инновации в школе. 2009. №2.

⁸ Зеер Э.Ф. Психолого-дидактические конструкты качества профессионального образования// Образование и наука. 2002. №2 (14).

⁹ Кузьмина Н.В. Акмеологическая теория повышения качества подготовки специалистов образования. М.: 2001. ;

¹⁰ Кудрявцева Е.И. Компетенция и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Санкт Петербург.: 2012-340 с.

¹¹ Маркова А. Психология профессионализма. М.: 1996.

¹² Bartram D. The Great Eight Competencies: A Criterion-Centric Approach to Validation. Article in Journal of Applied Psychology 90(6):1185-203. November 2005.

¹³ Rawen. J. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М.: 2002. (англ.1984).

¹⁴ Hutmacher W. Key competencies for Europe//Report of the Symposium Bern, Switzerland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) a Secondary Education for Europe. Strasbourg, 1997.

интегратив-дифференциал ёндашувлар асосида ихтисослик фан ўқитувчилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган методикасини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг компонентлари асосида ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида малака ошириш курсларида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни олинган бўлиб, ТИҚХММИ ва ТошДАУ хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларининг 532 нафар тингловчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети малака ошириш курсларида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик шартлари, ривожлантириш босқичлари, шакл, усул ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагог кадрларнинг компетентлигини ривожлантиришнинг стратегик тузилмаси компетенциявий мезонлар (ижтимоий, касбий, рефлексив, акмеологик)ни малака ошириш жараёнида инновацион фаолликни ривожлантириш усуллари (рефлексия синергияси, зарурий мотивлар) билан интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш курсларида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг интегратив-дифференциал методикаси Рокич, SCORE ва case-study технологияларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели компонентлари ва ўқув услубий таъминоти малака оширишнинг инновацион шакллари (рефлексив кузатув, фаол амалиёт, микроўқитиш, off-line консултация, Chat-online, ижодий хисобот) ҳамда андрагогик таълим талаблари асосида такомиллаштирилган;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини баҳолаш мазмуни касбий фаолиятга мослашувчанлик даражалари ҳамда шахсий сифатлар (касбий-интеллектуал, ташкилий-коммуникатив, эмоционал-иродавий, маънавий-маърифий) тавсифи асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ихтисослик фан ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича Махсус курс дастури ҳамда касбий компетентлигини ривожлантириш мезонлари бўйича услубий Тавсиялар ишлаб чиқилган;

ихтисослик фан ўқитувчилари учун педагогик-психологик билимлар, ёндашув ҳамда тамойилларни мувофиқлаштириш асосида “Трактор ва автомобил тизимларидаги инновациялар” ўқув дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

малака ошириш курслари жараёнида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари кенгайтирилган, “Амалий касбий таълим методикаси” ва “Тарбиявий иш методикаси” фанлари бўйича электрон ўқув-методик қўлланма ишлаб чиқилган, амалиётга жорий этилган;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган Рокич, SCORE ва case-study технологияларидан фойдаланишнинг имкониятлари аниқланган ва улар малака ошириш курслари ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик тақлифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; шунингдек, математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти малака ошириш жараёнида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари, малака оширишга тизимли ёндашув, малака ошириш курсидаги ташкилий педагогик шарт-шароитларни такомиллаштириш, ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар, малака ошириш жараёнида самарали ташкил этиш бўйича илмий-методик кўрсатмалар, ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини андрагогик таълим талаблари асосида ривожлантириш, уларнинг психологик хусусиятларини аниқлашга оид тавсиялари асосида ўқув қўлланма ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришни такомиллаштирилган модели (Рокич, SCORE ва case-study технологияси) ҳамда малака оширишнинг инновацион шакллари (рефлексив кузатув, фаол амалиёт, микроўқитиш, off-line консултация, Chat-online, ижодий ҳисобот) малака ошириш курслари жараёнида касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича ўқув-услубий кўрсатмалар малака ошириш курсларида тингловчилар фаоллигини ошириш технологияси бўйича услубий таъминотни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

компетенциявий мезонларни малака ошириш жараёнида инновацион

фаолликни ривожлантириш усуллари билан интеграциялаш асосида педагог кадрларнинг компетентлигини ривожлантиришнинг стратегик тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлари И-ХТ-0-67904-рақамли «Педагог кадрлар малакасини ошириш механизмини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланмани тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш» (2017 - 2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89-06-132 сон маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг касбий компетентлигининг ривожлантиришнинг ташкилий босқичларини аниқлаш имконини берган;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда Рокитч, SCORE ва case-study технологияларини қўллаш методикаси ҳамда малака оширишнинг инновацион шакллари (рефлексив кузатув, фаол амалиёт, микроўқитиш, off-line консултация, Chat-online, ижодий хисобот) малака ошириш курслари жараёнида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув дидактик таъминоти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89-06-132-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услугий таъминот ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини андрагогик таълим талаблари асосида ривожлантириш, уларнинг касбий, педагогик ва психологик хусусиятларини аниқлашга доир таклифлари И-ХТ-0-67904-рақамли “Педагог кадрлар малакасини ошириш механизмини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида ўқув-методик қўлланмани тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш” (2017 - 2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89-06-132-сон маълумотномаси). Натижада ихтисослик фани ўқитувчиларининг педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги оширилган, касбий тайёргарлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 13 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 дан ортиқ илмий-услугий ишлар чоп этилган, шулардан, 2 та услубий қўлланма, 2 та услубий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлиик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, (4 та республика ва 3 та хорижий журналларида) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари, концептуал ёндашувлари, таълимни модернизациялаш шароитида касбий компетентлигини ривожлантиришга қўйилаётган замонавий талаблар таҳлил этилган, касбий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар (фаолиятли ёндашув, компетентли ёндашув ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар) нинг фаолият (малака) талаблари билан ўзаро интегратив алоқадорлиги ёритилган.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш шуни кўрсатдики, касбий компетентлик ва уни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда ўрганилган. Аксарият педагогик-психологик адабиётларда компетентлик, компетенция, касбий компетентлик шахснинг ижтимоий-касбий йўналганлиги асосида шаклланадиган, касбий функционал вазифаларнинг самарали ечимини таъминлашга хизмат қилувчи касбий фаолиятда намоён бўлиши сифатида изоҳланади.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ фаолият олиб борадиган ўқитувчи анъанавий технологиялардан ривожланаётган технологияларга, шахсга йўналтирилган таълимда даражани фарқлаш технологиясидан фойдаланиши, компетенциявий ёндошишга ўргатиш, “ўқув вазиятлари”, лойиҳалаш ва тадқиқот фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари, интерфаол усуллар ва фаол таълим шаклларига ўтиши лозимлиги таъкидланади. Ўқитувчининг касбий маҳорати ва профессионаллигининг ажралмас қисми унинг касбий компетентлиги ҳисобланади.

Олий таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги унинг фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун зарур бўлган ажралмас мажмуа: ўқув, услубий, илмий, тарбиявий, кафедра, факултет, олий таълим муассасани бошқаришда иштирок этиш.

Компетенция - бу шахснинг эмас, балки жойнинг ўзига хос хусусияти инсоннинг ижтимоий ролининг параметридир. Ўқитувчининг касбий компетенцияси - бу ўқитувчи ва олим сифатида касбий фаолиятининг асосини ташкил этадиган билим, кўникма ва қобилиятлар тизимидир.

Ўқитувчининг касбий компетентлиги тузилмаси унинг педагогик кўникмалари орқали аниқланиши мумкин. Ўқитувчининг касбий компетентлиги модели унинг назарий ва амалий тайёргарлигининг бирлиги вазифасини бажаради.

Касбий компетенцияни ривожлантириш - бу ижодий шахснинг ривожланиши, педагогик янгиликларга рецептивликни шакллантириш, ўзгарувчан педагогик шароитда мослашиш қобилиятидир. Замонавий таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар ўқитувчининг малакаси ва профессионаллигини, яъни унинг касбий маҳоратини тинимсиз оширишни тақозо этмоқда. Замонавий таълимнинг асосий мақсади шахс, жамият ва давлатнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш, жамиятда ижтимоий мослашишга қодир, ўз ишини тўғри ташкил этиши, ўзини ўзи тарбиялаш ва ўзини такомиллаштиришга қодир бўлган кўп қиррали шахсни тайёрлаш ҳисобланади.

Биз тадқиқот ишимизда малака ошириш тизимида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” йўналиши ўқув жараёнидаги фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишда тингловчиларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига кўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишда асосий (таянч) компетенцияларнинг таркибий қисми сифатида касбий компетентлик тушунчасига ўз ёндошувимизни тавсия этдик.

Касбий компетентлик – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари, педагогик диагностика (сўров, индивидуал ва гуруҳли интервью) технологиялари психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллаш олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; таълим оловчилар билан ўқув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек бошқа маълумотларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш.

Техника олий таълим муассасаси ўқитувчисининг муҳандислик нуқтаи назаридан *касбий компетентлиги* мураккаб, кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унинг ҳар бир таркибий қисмисиз мавжуд бўлолмайдиган яхлит тузилма бўлиб, ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги уларнинг ўзаро таъсири билан таъминланади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим ва малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустакил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Малака ва кўникмаларнинг ривожланиши остида “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади.

Махсус компетентлик - касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга

тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона хал килиш, фаолият натижаларини реал баҳолаш, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, ахборотли, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз малака ошириш курсларида касбий компетентликни ривожлантириш жараёни - индивидуал тажрибани ривожлантиришга, доимий ривожланиш ва ўзини такомиллаштиришни ўз ичига олган касбий тажрибани тўплашга олиб келадиган профессионал тажрибани ўзлаштириш ва модернизациялашнинг динамик жараёнидир, дея таъриф бериб ўтдик.

Малака ошириш курсларида ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва касбий маҳоратини ошириш, креативлик, таълим-тарбия жараёнига интегратив ёндашувини таъминлашга имконият яратади.

Касбий компетентликни ривожлантиришда малака ошириш курси тингловчиларида юқоридаги касбий хусусиятлар билан бир қаторда малака ошириш талабига асосланган ҳолда ўқув жараёнинг дидактик таъминоти, ўқув жараёнини амалга оширишда индивидуал ёндашувларни танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида ихтисослик фани ўқитувчиларининг малака ошириш курсларидаги касбий компетентликни оширишга қаратилган тузилмани таҳлил қиламиз (1 расм).



1-расм. Ихтисослик фан ўқитувчиларнинг малакасини оширишда касбий компетентликни шакллантирувчи тузилма.

Ихтисослик фани ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида касбий компетентлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тузилмасини ишлаб чиқишда қуйидагилардан фойдаланилди:

- малака талаблари бўйича малака меҳнат фаолиятидаги конкрет мажбуриятларни бажара олиш учун тайёр бўлиши, зарурий компетенцияларни ўзлаштириши;

- компетенция меҳнат фаолиятида зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни конкрет вазиятларда қўллай олиш қобилияти;

- касбий компетенликни ривожлантиришда ёндашувлар (тизимли, фаолиятли, шахсга йўналтирилган)ни танлаш

- касбий компетентликни ривожлантиришни ўқув жараёнида инновацион шакллар (рефлексив кузатув, фаоли амалиёт, миркоўкитиш, ижодий ҳисобот)ёрдамида амалга ошириш

- касбий компетентликни ривожлантиришга асосланган ўқув жараёнининг дидактик таъминотини такомиллаштириш орқали ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мумкин.

Диссертациянинг **“Ихтисослик фан ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида малака ошириш курсларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда малака ошириш курсидаги ўқитувчиларнинг касбий компетентлигига қўйиладиган малака талаблари асосида инновацион таълим технологиялари, касбий компетентликни ривожлантиришда педагогик шарт-шароитлар, ёндошувлар, тамойиллар, ўқитишнинг инновацион шакл ва усуллари келтирилган. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ва уларнинг имкониятлари очиб берилган.

Олий таълим муассасалари ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини инновацион таълим методлари асосида ривожлантириш модели ишлаб чиқилган.

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг малака ошириш курсларида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг услубий таъминоти такомиллаштирилди. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш омилларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди ва инновацион ўқитиш шакл ва усуллари малака ошириш курслари ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Илмий тадқиқот ишлари натижасида ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели ва унинг таркибий компонентлари ишлаб чиқилди (2-расм).

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг мутахассислик билимлари билан бир каторда педагогик билимларнинг етарли бўлиши ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, нутқ маданияти, педагогик имидж, касбий хислатлари, муомала маданияти, тарбияси, инсонпарвалилик, холислик каби шахсий сифатлар касбий компетентликни ривожлантиришда муҳим мезонлар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделида қуйидаги компонентларни ажратдик, улар: мақсадли, мазмунли ва натижавий компонентлардир.

1.Мақсадли компонент ўз ичига ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсади ва вазифаларини олган.

Асосий мақсад малака ошириш курсларида ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш. Асосий вазифаларга эса қуйидагиларни алоҳида ажратиб ўтдик: касбий компетентлигини ривожлантириш таҳлили ва педагогик шарт-шароитларини

аниқлаш, бунда малака ошириш курсларининг ҳозирги ҳолати ва назарий-методологик асосларининг амалдаги ҳолатини ва замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш, шунингдек педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш ҳамда асослаш; интегратив-дифференциал ёндашувлар асосида ихтисослик фан ўқитувчилари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган методикасини ишлаб чиқиш; ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг компонентлари асосида ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш.

Малака ошириш курсларидаги ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришдаги асосий ташкилий педагогик шароитлар мажмуасида ўз аксини топган. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий маҳоратни такомиллаштиришда уларни касбий фаолиятни янада фаоллаштириш ҳамда ижтимоий ва ташқи муҳитга мослашишда қулай педагогик ва психологик муҳитни ташкил қилиш муҳим ҳисобланади.


2. Мазмунли компонент ўз ичига малака ошириш курсларидаги касбий компетентликни ривожлантиришдаги ёндашувлар, тамойиллар, ўқитиш шакллари ва усулларини олади.

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда ўзига хос *ёндашувлар*: тизимли, фаолиятли, шахсга йўналтирилган; *тамойиллар*: касбий-интеллектуал, ташкилий-коммуникатив, эмоционал-иродавий, маънавий-маърифий ҳамда шахсга йўналтирилган; ўқитишнинг *шакллари* ўз-ўзини фаоллаштириш, рефлексив кузатув, фаол амалиёт, offline-конференция, интернет конференция, тренинг; ўқитишнинг инновацион *усуллари* модулли, муаммоли, Рокич, Score, Case-study.

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда биз томонимиздан малака ошириш курсларида ўқитиш жараёнига жорий қилинган инновацион ўқитиш методлари (Case-study, Рокич, Score) дан фойдаланиш ҳамда малака ошириш курсларидаги ўқув-услубий таъминотни инновацион шакллар ҳамда андрагогик таълим талаблари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” йўналиши тингловчиларининг малака ошириш курсида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион таълим технологиялари (SCORE, Case-study ва Рокич) асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.

Case-study методи (инглизча “Case” воқеа, ҳодиса, “study” ўқиш, ўқимок сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган) аниқ, реал ёки сунъий яратилган вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод тингловчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган мауммоли вазиятларни таҳлил қилиш орқали ўқитувчи томонидан тингловчиларга билимларни тайёр ҳолда етказиш ёки ечимларни бериш эмас, балки уларни ҳам этишнинг энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Тингловчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга муаммоли вазиятларни ўрганиш ва таҳлил қилишга, унинг ечимини топиш учун мустақил изланишга ҳамда аниқ ёки муқобил қарорлар қабул қилишга ўргатади.



2-расм. Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш модели.

Ихтисослик фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда биз “SCORE” методидан фойдаланишни таклиф этамиз. SCORE методи – ахборотларни самарали топиш ва уларни тахлил қилиш хисобланиб, ўқитувчи ва талабаларга ҳам мос услуб бўлиб, берилган топшириқларни, носозликларни ва уларнинг ечимини топишда, шунингдек, маълумотларни йиғиб олишга йўналтирилган. Инглиз тилидан таржима қилинганда "score" "хисоб" ёки “ечим” маъносини беради. У қўйилган мақсад ва унга эришишдаги энг осон ва мақбул йўللарни топишда ас қотади ҳамда шахснинг нафақат касбий ўзига хос бўлган шахсий хусусиятлари билан таъсир кўрсата олишни англатади. Қуйида “SCORE” методининг 5 та асосий қадамларини келтирамиз:

1-қадам-симптомлар (асосий носозлик): двигател қуввавати камайиб кетиши ва унинг ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа носозликлар, уларни бартараф этиш борасида ўқитувчидан талаб этиладиган билим, кўникма ва малакаларнинг етарли бўлиши.

2-қадам-сабаблар: ўқитувчи носозликнинг сабабини нотўғри айтиб, аудитория олдида двигателга нотўғри техник хизмат кўрсатди, оқибатда двигателдаги овознинг шовқини янада ортди. Бу мисолда ўқитувчидан касбий маҳорат ва албатта мутахассислик бўйича билимларнинг роли катта бўлиши муҳим шарт хисобланади.

3-қадам-натижаси: камчиликларни бартараф этиш йўллари. Ўзгартиришлар ёки ҳолатга аниқлик киритишдаги мақсад камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан диққатни тортади. Масалан: двигателни ишга туширишда, унинг деталлари билан таништираётганда ўқитувчининг овози, ўзини тутиши, мавзунини қай даражада ўзлаштирганлиги, ҳар бир деталга алоҳида тўхталиб, уларни аниқ қилиб тушунтира олиш каби касбий маҳоратга эга бўлиши, бундан ташқари талабаларни амалий машғулотнинг тузилмаси (структураси) билан таништириши ва кетма кетликка риоя этиши зарурий компонент хисобланади.

4-қадам-манбалар: малакаларнинг яққол намоён бўлиши, қўйилган мақсадга эришишда билим, кўникма ва малакаларнинг етарли даражада бўлиши ва қўйилган мақсаднинг натижасини олдиндан кўра билиш маҳорати хисобланади.

5-қадам-эффектлар(самарадорлик): ўқитувчи томонидан муаммони бартараф этиш йўллари, аввал талабаларнинг ўзларига ечим топишларига имкон яратиб бериш.

Ихтисослик фанлари соҳасида SCORE моделида муаммонни ўрганишда кутилаётган натижани амалга оширишда зарурий бўлган ўқитувчининг тажрибаси ва касбий маҳоратига эътибор қаратилади.

Ихтисослик фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини аниқлашда, шахсга йўналтирилган таълимдаги янги технологиялардан “Рокич” методи шахснинг атроф муҳитга, ўз-ўзига, бошқаларга бўлган муносабати, қолаверса шахс дунёқарашининг асосини ташқил қилувчи иккита қадриятлар: терминал ва инструментал қадриятлар асосида ихтисослик фан ўқитувчиларининг шахсий, касбий сифатлари, коммуникатив кўникмалари,

педагогик маҳоратини аниқлашга ёрдам беради. Ўқитувчилар томонидан юқоридаги мақсадларга эришиш ва улар таълим-тарбияни, маънавийтни ривожлантирувчи манба (эталон) сифатида намоён бўлганлиги ҳақидаги тасавурларнинг борлиги учун биз ушбу методни қўллашни тавсия қилдик.

Терминал кадриятлар шахсни тушунишга, талабалар ўртасидаги соғлом муҳитни таркиб топишида, аудиторияда тенглик муҳитини ташкил қилишда ёрдам бериб, бу кадриятларга “соғлик”, “соғлом турмуш тарзи”, “ўзгалар бахти”, “донолик”, “ҳаётий тажриба”, “дўстлар”, “ривожланиш”, “ижод”, “ўзига ишонч” ва ҳ.к. каби кадриятлар ўқитувчининг шахсий ривожланишини кафолатловчи тушунчалар ҳисобланади.

